O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 4 август, № 152 (4815) Сешанба

**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини ижро этиш ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қуришнинг тажриба лойиҳаларини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган 42 та ер массиви танлаб олинди;

2009-2010 йилларда 260,5 млрд. сўм, шу жумладан, 2009 йилда — 65,5 млрд. сўм миқдорида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ аҳоли пунктларида якка тартибдаги уй-жой қурилишини кредитлаш манбалари аниқлаб олинди.

2. «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБнинг намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишида якка тартибда иморат қурувчиларга кўмак бериш учун республиканинг ҳар бир минтақасида ўз филиалига эга «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин, унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш ва бунинг асосида қуриш массивларини, барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмалари таркиби ҳамда тузилмасини танлаб олиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

қишлоқ аҳоли пунктларида якка тартибдаги янги уй-жойлар, шунингдек, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмаларини «тайёр ҳолда топшириш» шартларида буюртмачи функцияларини шартнома асосида бажариш, жумладан, молиялашни ташкил этиш ва қурилишнинг бориши устидан техник назорат ўрнатиш;

аҳоли буюртманомаларига мувофиқ, уй-жойлар, шунингдек, намунавий лойиҳалар бўйича «тайёр ҳолда топшириш» шартларида ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмаси объектларини қуриш буюртмаларини объектларни сифатли қуришни таъминлаб бера оладиган амалдаги ва янгитдан ташкил этилаётган пудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов асосида жойлаштириш;

кейинчалик «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ томонидан бериладиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан узил-кесил ҳисоб-китоб қилинган ҳолда, намунавий лойиҳалар бўйича қурилган якка тартибдаги уйларни аҳолига бериш, шунингдек, муҳандислик инфратузилмаси, ижтимоий-маданий ва санитария-маиший аҳамиятдаги объектларни эксплуатация ташкилотларига топшириш.

3. Қуйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда, уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш ҳамда аҳолининг буюртманомалари асосида ҳар йили 1 октябргача минтақалар доирасида қуриладиган уй-жойлар ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ҳажми, таркиби ва тузилмаси бўйича таклифлар тайёрлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан маркетинг жиҳатдан ўрганиш натижалари асосида 1 ноябргача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишилган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ер массивлари танлаб олинади ҳамда кейинчалик улар намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қуриш учун «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига топширилади;

аниқ ер участкаси ва намунавий лойиҳани танлаган якка тартибда иморат қурувчи «тайёр ҳолда топшириш» шарти билан тураржой биносини қуришда буюртмачи вазифасини бажариши учун «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан шартнома тузади;

якка тартибда иморат қурувчи билан тузилган шартнома асосида «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси буюртмачи сифатида «тайёр ҳолда топшириш» шарти билан намунавий лойиҳа бўйича якка тартибдаги тураржой биноси қурилиши юзасидан барча ишлар комплексини ташкил этади;

(Давоми 2-бетда).

## АВГУСТ — ПАХТА ҲОСИЛИГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ОЙ



***Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича жаҳонда олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради. Шу далилнинг ўзиёқ мамлакатимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачиликнинг ўрни беқиёс катталигини кўрсатиб турибди. Мустақиллик йилларида Президентимизнинг раҳнамолиги ва бевосита ташаббуси билан соҳа ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли, айниқса, пахтачилик тармоғида муҳим ижобий натижалар қўлга киритилмоқда.***

Дарҳақиқат, республикамизда ернинг ҳақиқий деҳқонларга — фермерларга берилгани, уларнинг меҳнат қилишлари, ўз салоҳиятини намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилгани, моддий-техника ресурслари бойитиб борилаётгани, энг муҳими, улар меҳнатининг муносиб рағбатлантирилаётгани муваффақиятларнинг бош омили бўлмоқда. Натижада пахтакор деҳқонларнинг даромади йил сайин ошиб, турмуши тобора фаровонлашмоқда, эртанги кунга бўлган ишончи янада мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимиз деҳқонлари жорий йилда ҳам улкан "оқ олтин" хирмони барпо этиш ниятида 1 миллион 323 минг гек-

**Бугуннинг гапи**

тар майдондаги ғўза парваришини жадал олиб боришаяпти. Август ойи ҳосил салмоғини ошириш учун энг қулай, айни пайтда ўта масъулиятли давр ҳисобланади. Аслини олганда, деҳқончиликда ҳар бир ойнинг ўз ўрни, бажариладиган агротехника тадбирларининг мақсад-вазифалари бўлади. Бироқ пахтачиликда августнинг ўрни бўлакча. Деҳқонларимиз ушбу ойни "Пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой" деб билишади. Бу даврда ғўза агротехника талабларига изчил амал қилиб парваришланса, унинг ривожи тезлашиб, шоналар гулларга, гуллар кўсакларга айланади. Бўлиқ кўсаклар эса ой охирида қийғос очилиб, лўппи-лўппи пахта бўлади.

(Давоми 3-бетда).

## ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

***Аввал хабар берилганидек, Қирғизистон Республикасининг Чўлпонота шаҳрида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг (ОДКБ) норасмий саммити бўлиб ўтди.***

Саммит ишида Ўзбекистон, Арманистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентлари иштирок этдилар. Музокаралар чоғида кўплаб долзарб масалалар, жумладан, ОДКБга аъзо давлатлар хавфсизлигини таъминлаш, ташкилотни такомиллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, халқаро терроризм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркобизнес ва бошқа замонавий хавф-хатар ҳамда таҳдидларга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатлар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув иштирокчиларининг фикрича, ўзаро мувофиқлаштирилган ахборот сиёсати юритиш борасида келишувга эришилгани муҳим аҳамият касб этади. Ахборот хавфсизлиги соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича технологиялар маркази тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. ОДКБга аъзо давлатлар раҳбарлари музокаралар самарали бўлганини таъкидладилар.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистон Республикаси раҳбари Қурманбек Бакиев билан учрашуви бўлиб ўтди. Президентлар икки ва кўп томонлама муносабатларнинг истиқболига оид масалаларни муҳокама қилдилар. Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қатор долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

## «ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

Ўзбекистон томони жорий йилнинг 1 август куни имзоланган «Россия ҳарбий тузилмаларининг Қирғизистон Республикаси ҳудудида бўлишини мувофиқлаштирувчи ва қўшимча Россия ҳарбий контингентининг Қирғизистон ҳудудида жойлаштирилишини тартибга солувчи Россия Федерацияси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги икки томонлама шартномавий-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ниятлари тўғрисида»ги меморандумда айтиб ўтилган Қирғизистон жанубида Россия қуролли кучлари қўшимча контингентининг жойлаштирилиши борасидаги режаларни амалга оширишдан бирон бир зарурият ва мақбуллик кўрмаяпти.

Бу каби лойиҳаларнинг мураккаб ва олдиндан айтиб бўлмайдиган, Ўрта Осиёнинг учта республикаси чегаралари бевосита туташган ҳудудда амалга оширилиши ҳарбийлашув ва миллатчиликка асосланган турли зиддиятларни келтириб чиқарувчи жараёнлар, шунингдек, кенг минтақадаги вазиятнинг жиддий беқарорлашувига олиб келиши мумкин бўлган радикал экстремист кучлар чиқишларининг кучайишига туртки бериши мумкин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2009 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берган 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг устувор йўналишлари, шу жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт ва жамият ижтимоий ҳаётини барқарор, мувозанатли ривожлантиришни, иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлади.***

### I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартириш ва модернизация қилишни давом эттириш бўйича чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши, шунингдек, инқирозга қарши чораларнинг жадал рўёбга чиқарилиши жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулотни 8,2 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 9,1 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини 4,6 фоизга оширишни таъминлади. Қурилиш ишларининг 32,5 фоиз ўсишини таъминлаган инвестициялар ҳажмининг 132,7 фоизга юқори суръатда ошиши, шунингдек, чакана савдо айланмасининг 17,7 ва хизматларнинг 18,5 фоизга ўсиши билан ифодаланадиган ички эҳтиёжни кенгайтиришга доир чора-тадбирлар иқтисодий ривожланишнинг асосий омиллари бўлди.

Давлат бюджети даромадлари 100,8 фоизга бажарилди ва бюджет профицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдорда таъминланди. Истеъмол бозоридаги мувозанат инфляция даражасини прогноз кўрсаткичлари доирасида сақлаш имконини берди (3,6 фоиз).

Мамлакатимизнинг маҳсулот ишлаб чиқарувчи экспортчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш борасида кўрилган чора-тадбирлар экспорт ҳажмини 2,8 фоизга ошириш, ташқи савдо баланси ижобий сальдосини 1571,2 миллион долларга етказишни таъминлади.

**Ўзбекистон Республикасини 2009 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари**

*(2008 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)*

| Кўрсаткичлар | Ўсиш суръатлари |
|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 108,2 |
| Саноат маҳсулотлари ҳажми | 109,1 |
| Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш | 113,1 |
| Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари | 104,6 |
| Асосий капиталдаги инвестициялар | 132,7 |
| Қурилиш ишлари | 132,5 |
| Чакана савдо айланмаси | 117,7 |
| Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш | 118,0 |

(Давоми 2-бетда).

## ЭЛГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ОЛИЙ САОДАТ

***Дунёнинг йирик шаҳарларида аҳолининг гавжумлиги сервис хизматлари кўрсатишни, хусусан, йўловчи ташишни такомиллаштириш ва унинг сифатини мунтазам яхшилаб боришни тақозо этади.***

Мамлакатимиз бош кенти — азим Тошкент аҳолиси ва пойтахтимиз меҳмонларига автотранспортда йўловчи ташиш хизмати кўрсатишда "Тошавтобустранс" акциядорлик компаниясининг муносиб ҳиссаси борлиги бизга фахр-ифтихор бағишлайди, айни пайтда юксак масъулият ҳам юклайди. Негаки, шаҳар бўйлаб ҳар куни йўлга чиққан юз минглаб йўловчиларни кўзлаган манзилларига хавф-хатарсиз элтиб қўйиш ўта нозик ва мураккаб ишдир.

**Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига**

"Тошавтобустранс" акциядорлик компанияси Президентимизнинг 2006 йил 11 январдаги "Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони асосида ташкил этилган бўлиб, ҳозирда у 26 та корхонани бирлаштирган. Улар томонидан бугунги кунда умумий ўртача узунлиги 2868,5 километрни ташкил этадиган 158 та йўловчи ташувчи йўналишга хизмат кўрсатиб келинаяпти. Мазкур йўналишларга иш кунлари 1300 та ҳаракат таркиби чиқарилиб, 17699 та қатнов амалга оширилади. Натижада ҳар куни ўртача 1 миллион 24,4 минг киши ўз манзилларига етказиб қўйилади. Ушбу рақамларнинг ўзиёқ ҳар қандай кишида компания жамоасининг заҳматли меҳнати ҳақида атрофлича тасаввур уйғотади, албатта.

Таъкидлаш керакки, аҳолининг йўловчи ташиш транспортига бўлган эҳтиёжини қондириш ва унинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш бевосита автоуловларнинг техник ҳолатига боғлиқ. Мамлакатимизда тизимга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ҳукуматимизнинг доимий кўмаги туфайли автопарк энг замонавий автобуслар билан бойиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир. Эътибор қилинг: бугунги кунда тизим корхоналари тасарруфида

(Давоми 4-бетда).

*Мигель-Анхель Моратинос:*

## «БУХОРО – УМУМБАШАРИЙ ТАРИХНИНГ ГУВОҲИ ВА АМАЛДАГИ ИШТИРОКЧИСИ»

***Ўзбекистон билан Испания алоқалари олис тарихий илдизларга эга. Олти аср муқаддам Амир Темур саройига Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ташриф буюрган. Соҳибқирон Муҳаммад ал-Қозийни ўзининг Испания қироллигидаги элчиси этиб тайинлаган. Бу мамлакатларимиз ўртасида қадим замонларданоқ маданий, маърифий, сиёсий ва иқтисодий муносабатлар ўрнатилганидан далолатдир.***

Мамлакатларимизнинг бугунги алоқалари ҳам кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришга бўлган ўзаро қизиқиш билан изоҳланади. 2006 йилда Ўзбекистонда Испания қироллиги билан ҳамкорликни янада кенгайтириш чоралари тўғрисидаги ҳукумат қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жорий йил май ойида Бразилияга амалга оширган расмий ташрифи чоғида Испанияда тўхтаб ўтди. Мадридда Ўзбекистон раҳбари Испания Қироли Хуан Карлос билан учрашди. Музокаралар чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболлари ҳамда ўзаро қизиқиш уйғотувчи халқаро муаммолар хусусида фикр алмашилди.

**Биз ва жаҳон**

Жорий йил июль ойининг бошида Ўзбекистонга Испания ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель-Анхель Моратинос ташриф буюрди. Испания ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Президент Ислом Каримов томонидан қабул қилинди. Учрашувда ўзаро алоқаларни ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

М. А. Моратинос — Испаниянинг йирик сиёсатчиси, дипломат ва олими. У кўплаб давлат ва халқаро мукофотлар билан тақдирланган. М. А. Моратинос "Фуқаролик хизматлари учун" ордени, қиролича католик хоним Изабелла ордени, Марокашнинг "Ал-Оловий" ордени, Тунис Республикаси ордени, Нидерландиянинг Заъфарон Нассау ордени кавалери, шунингдек, Араб журналистлари ҳамкорлиги уюшмаси мукофоти совриндори.

М. А. Моратинос ЕХҲТнинг амалдаги раиси бўлган, Араб дунёси мамлакатлари билан ҳамкорлик институти бош директори, ЕИнинг Яқин Шарқ масалалари бўйича махсус вакили сифатида фаолият юритган.

Ўзбекистонга ташриф доирасида Испания делегацияси аъзолари қадимий Бухоро шаҳрини зиёрат қилиб, нафақат Ўзбекистон, балки дунё миқёсидаги кўҳна ва машҳур осориатиқалардан баҳраманд бўлишди. Қуйида М. А. Моратиноснинг Бухорога сафари таассуротлари ҳақидаги "Улуғвор Бухородан Кордовагача" сарлавҳали мақоласини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

қурилиш якунлангандан кейин ва якка тартибда иморат қурувчи томонидан далолатнома бўйича тураржой биноси қабул қилингандан сўнг якка тартибда иморат қурувчига ер участкасини ажратиш туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан кимошди савдоси ўтказилмасдан умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк тарзида расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Б. А. Хўжаев) «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, бир ой муддатда «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибдаги уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ:

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда ихтисослаштирилган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда «Қишлоқ қурилиш инвест» компаниясининг зарур моддий-техника базаси яратилишини назарда тутган ҳолда, унинг устав капиталини шакллантирсин, шунингдек, компаниянинг малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин;

зарур ҳолларда, банк устав жамғармаси маблағларини гаров тариқасида қайтариш асосида ажратиб берилишини назарда тутган ҳолда "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясини ушбу жамғарма маблағи ҳисобидан айланма маблағлар билан таъминласин.

5. Белгилансинки:

якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари қурилиши инвесторлар маблағлари ва тижорат банклари кредитлари ҳисобидан амалга оширилади;

ижтимоий инфратузилма объектлари ва ташқи муҳандислик тармоқлари қурилиши маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

ихтисослаштирилган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ва унинг минтақавий филиалларига зарур инфратузилмани ташкил этиш учун шартнома асосида ер участкаларини ажратиш тарзида ёрдам кўрсатсин;

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуришга тасдиқланган бош режа асосида ҳар йили қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ер участкалари ажратилишини таъминласин;

"Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ кредитлари ҳисобидан тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида барпо этиладиган муҳандислик инфратузилмаси ва ижтимоий аҳамиятдаги объектларнинг илдам қурилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси:

танланадиган ер массивларининг муҳандислик тармоқлари ва транспорт коммуникациялари билан таъминланганлиги, ишга тушириладиган уй-жой ҳамда ижтимоий-маданий ва санитария-маиший объектларга бўлган амалдаги талабнинг мавжудлиги комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

якка тартибдаги уй-жой қурилишида қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни амалга оширсин.

8. Ихтисослаштирилган "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси 2014 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқ тўловларидан ҳамда Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сонли Фармонининг 4-банди қишлоқ жойларда "Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ кредитлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда иморат қурувчиларга нисбатан татбиқ этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси уй-жой ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишига ажратилаётган маблағлардан, шу жумладан, "Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБнинг имтиёзли кредитларидан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли равишда текширувлар олиб борсин.

11. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 3 август

---

### Мигель-Анхель Моратинос:

# «БУХОРО – УМУМБАШАРИЙ ТАРИХНИНГ ГУВОҲИ ВА АМАЛДАГИ ИШТИРОКЧИСИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Дунё бўйлаб амалга оширган кўплаб сафарларим чоғида Кордовани эслатиб турувчи маълумотларни кўп бор учратганман. Ҳамма жойда — Лахордан (Покистон) тортиб, Дамашққача (Сурия) ушбу шаҳарнинг у ёки бу жиҳатини кўриш мумкин. Кордова мероси, айниқса, араб дунёси ҳамда Лотин Америкасида кучли. Аммо ҳеч қаерда Кордова билан боғлиқлик Бухородагидек кўнглимда кучли ва ҳаяжонли ҳисларни уйғотмаган.

Кордова билан Бухоро биродарлашган шаҳарлар. Расман бу ҳолат Кордовада Хулио Ангита мэр бўлган пайтларда қоғозда акс этди. Лекин бу воқеадан анча илгари ҳам бу шаҳарлар ўртасида қадимий тарихий алоқалар мавжуд бўлган. Уларни, аввало, буюк Ибн Сино (Ғарбда Авиценна номи билан машҳур) ҳамда ниломер муаллифи Ал-Фарғоний тимсолида кузатиш мумкин бўлиб, улар Кордовада Ал-Андалуснинг бошқа олимлари билан биргаликда ижод қилишган.

Бухоро — 2500 йиллик тарихга эга бўлган қадимий шаҳар бўлиб, нафақат умумбашарий тарихнинг гувоҳи, балки амалдаги иштирокчиси ҳамдир. Бу ажойиб шаҳарда кўплаб империяларнинг излари қолган. Унга Искандар Зулқарнайн, Чингизхон, Марко Поло, шунингдек, Амир Темур салтанатига Энрике III томонидан элчи қилиб юборилаган Руи Гонсалес де Клавихо каби буюк инсонларнинг қадамлари етган.

Худди Кордова каби Бухоро ҳам ўзгача бир жозибага эга. Бу кўҳна маскан ўзидан шундай бир улуғвор нур таратадики, у шаҳарнинг ажойиб осориатиқаларида акс этади, кўзни қувонтиради. Бундай хусусият Кордова ва унинг қадимий ёдгорликларига ҳам хос.

Бухоро Арки шаҳарнинг ўзига хос рамзи бўлса, Кордовадаги масжид-черков ҳамда Мадина Асахара унинг Кордовадаги акси ҳисобланади. Бу араб, рим ва насронийлик маданияти уйғунлашган шаҳар бўлиб, унинг гербида "жангчилар уйи ва асл донишмандлик манбаи" деган ёзув бўлиб, худди Бухоро каби Кордова учун ҳам донолик ва оқиллик марказий аҳамият касб этади, шаҳар тарихи ва ҳозирги кунининг барча жабҳаларида акс этиб туради.

Бухоро тарихдаги ўзининг муҳим ўрнига қарамай, шўролар мамлакати таркибида бўлган даврда халқаро маданий йўналишлардан узоқлашиб қолди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг шаҳарнинг аввалги нуфузи ва жозибадорлиги тиклана бошлади.

Дунёнинг бу қисми тарихидан нақадар кам хабардор эканимиз ақлга сиғмайди. Гўёки доимий евромарказлашув жараёни бизни бу минтақадан узоқлаштиргандай: доимо "катта ўйин" билан банд бўлган Британия империясидан ташқари, Ғарбнинг қолган мамлакатлари унга деярли қизиқиш билдирмаган.

Испания мамлакатларимизнинг умумий тарихи туфайли янги ёндашувнинг ташаббускори бўлиши керак, зеро, унинг доирасидаги тарихий-маданий тикланиш бир-биримизни яхшироқ тушуниш ва энг муҳими, дунёдаги бағрикенглик ҳамда ўзаро тинч-тотув яшаш тамойилларини тиклашга ёрдам беради.

Бухоро билан Кордова ушбу Янги йўлдаги ҳаракатнинг бошланғич нуқтаси ва пировард мақсадига айланиши мумкин бўлиб, унда Ипак, илм ва маданият цивилизациялари альянсини тузиш замонавий таҳдидларга қарши туришнинг омиллари бўлиб хизмат қилади".

**«Жаҳон» АА.**

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2009 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

## II. Таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификация қилишни давом эттириш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни жадаллаштириш

Биринчи ярим йиллик давомида **иқтисодиётнинг реал секторида инвестиция фаоллигининг ресурс базасини кенгайтиришга** доир изчил чоралар кўрилди. Тижорат банкларининг жами капитали йил бошига нисбатан 11 фоиз, банклар активлари 23,2 фоизга кўпайди. Натижада тижорат банкларининг реал секторга йўналтирилган кредит қўйилмалари умумий ҳажми 27,2 фоизга ўсди. Кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар улуши 78,5 фоизни ташкил этди. Аҳоли ва юридик шахслар омонатлари 24,4, жумладан, аҳоли омонатлари 25,3 фоизга ошди.

**Инвестиция дастурларини** амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида барча молиялаш манбалари ҳисобидан капитал қўйилмалар ҳажми 32,7 фоизга ўсди ва 6026,5 миллиард сўмни ташкил этди. Марказлашмаган инвестициялар ҳажми 45,2 фоизга ўсди. Иқтисодиётга капитал қўйилмалар умумий ҳажмидан ишлаб чиқариш қурилишига 71,1 фоиз инвестициялар йўналтирилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакат иқтисодий ривожланишининг барқарор суръатларини сақлаш, халқаро молия ташкилотлари раҳбарлари томонидан қайд этилганидек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини 2,6 баравар кўпайтириш имконини берди. Бунда уларнинг капитал қўйилмалар умумий ҳажмидаги салмоқли улуши ўтган йилнинг шу давридаги 14,0 фоиз ўрнига 25,4 фоизга етди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар умумий ҳажми 1207,6 миллион доллар, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 1066,5 миллион долларни ташкил қилди.

Ҳисобот даврида **"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси** ҳудудида хорижий капитал иштирокида янги замонавий корхоналарни ташкил этиш тўғрисида 34 та шартнома имзоланди, ушбу зонада ишлаб чиқариш участкаларини қуриш учун техник ва меҳнат ресурсларини жалб этиш бошланди.

Жорий йил бошидан буён мамлакатимиз бўйича 193 та ишлаб чиқариш объекти, жумладан, енгил ва тўқимачилик соҳасида 32, озиқ-овқат саноатида 67, қурилиш материаллари саноатида 78, машинасозлик соҳасида 5, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 4 та объект ишга туширилди. Оҳангарон туманидаги йилига 20 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган "Термо Дом" масъулияти чекланган жамияти, Қораўзак туманидаги 4,8 минг тонна вермикулит ишлаб чиқарадиган "Қорақалпоқ Верми" шўъба корхонаси, Бешариқ туманидаги 10 миллион дона трикотаж буюмлари ишлаб чиқарадиган "Бешариқтекстиль", Урганч шаҳридаги 50 минг квадрат метр гилам буюмлари ишлаб чиқарадиган "Гиламчи Карпет" қўшма корхонаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Жорий йилнинг биринчи ярмида **иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурлари** доирасида 21 та лойиҳани амалга ошириш якунланди. Улар орасида "Бекободшифер" масъулияти чекланган жамиятида "Энергия тежовчи технологияларни ўзлаштирган ҳолда шифер линияларини модернизация қилиш", Андижон вилоятидаги "Полвонтош текстиль" масъулияти чекланган жамиятини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш", "Галеника" масъулияти чекланган жамиятида "Суюқ дори формалари, мазлар, боғлаш материаллари ишлаб чиқариш линияларини технологик жиҳозлаш", "Самарқанд лифтсозлик заводи" очиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонаси базасида "Бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали янги турдаги лифтлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш" ва бошқа лойиҳалар бор.

**Электроэнергетика соҳасини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежаш тизимини жорий этиш** тадбирлари доирасида электр энергия истеъмолчиларига электр энергия сарфини аниқ ҳисобга олишни таъминлайдиган 273,2 минг дона электрон ҳисоблагич ўрнатилди. "500 кВтли Янги Ангрен ТЭС — "Ўзбекистон" кичик станцияси юқори вольтли линияли 500 кВтга мўлжалланган "Ўзбекистон" кичик станцияси қурилиши" лойиҳаси амалга оширилди. 500 кВА қувватга эга кичик станция, Янги Ангрен ТЭСдан узунлиги 169,4 километрга тенг 500 кВга мўлжалланган юқори вольтли линия ва "Ўзгариш" кичик станциясига узунлиги 8,4 километрга тенг 220 кВга мўлжалланган юқори вольтли линия қурилиши якунланди.

Ислом тараққиёт банки маблағларини жалб этган ҳолда, "Сурхон кичик станциясида АТ-2 га эга 500 кВга мўлжалланган Ғузор кичик станцияси-Сурхон кичик станцияси юқори вольтли линия қурилиши" ва "500 кВга мўлжалланган Сирдарё ТЭС-Сўғдиёна кичик станцияси юқори вольтли линия қурилиши" лойиҳалари амалга оширилмоқда. Хитой Халқ Республикаси ҳукумати кредит ресурслари ҳисобидан Тошкент шаҳрининг ташқи электр таъминоти учун янги объектлар барпо этилмоқда. "370 МВт қувватга эга буғ-газ қурилмасини қуриш орқали Тошкент ТЭСни модернизация қилиш", "Янги Ангрен ТЭС қозонларини йил давомида кўмир ёқишга ўтказиш ва "Ангрен" конини техник қайта жиҳозлашни ҳисобга олган ҳолда 8-энергия блокини қуриш" лойиҳаларини амалга ошириш бошланди.

**Уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш** бўйича кўрилган чора-тадбирлар уй-жой фонди объектларини тайёр ҳолда топшириш шарти билан режалаштириш, дизайн, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширадиган 413 та янги ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотини тузиш имконини берди. Ушбу ихтисослаштирилган корхоналар 912 та объектни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун қабул қилди. 1991 йилгача қурилган 1590 та кўп хонадонли уйлар капитал таъмирланмоқда, уларнинг 841 тасида таъмирлаш ишлари якунланди. Умуман, ҳисобот даврида 4007 минг квадрат метр, жумладан, якка тартибда уй-жой қуриш доирасида 3961 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

## III. Мамлакатимиз корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва саноат ўсишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш

Жорий йилнинг биринчи ярмида Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган экспортчи корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайтириш, мамлакатимиз товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларига ички эҳтиёжни рағбатлантириш бўйича фаол чоралар кўрилди.

Экспортчи корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида тижорат банклари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан ушбу корхоналар айланма маблағларини тўлдириш учун 81 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар тақдим этилди. Банкларнинг капиталлашувини ошириш мақсадида мақсадли маблағлар ҳисобидан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун умумий қиймати 140 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар берилди.

Бундан ташқари, асосан тўқимачилик ва фармацевтика тармоғида фаолият юритаётган 41 та экспортчи корхона бўйича муддати ўтган ва жорий қарздорлик маблағлари, жумладан, банкларнинг умумий қиймати 54,5 миллиард сўм, 65 миллион доллар ҳамда 8 миллион еврога тенг кредитлари бўйича фоизларни тўлаш ҳамда пеняларни ҳисобдан чиқариш реструктуризация қилинди. Қатор корхоналарда бюджет, бюджетдан ташқари фондлар, электр энергия, табиий газ ва коммунал хизматлар учун умумий қиймати қарийб 56 миллиард сўмга тенг тўловлар бўйича пеня ва жарима санкцияларини ҳисобдан чиқарган ҳолда, бюджетга тўловлар бўйича кредиторлик қарзи муддатини узайтириш шаклида реструктуризация қилинди. Бу эса уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти қўллаб-қувватланишини таъминлади.

**Ишлаб чиқариш таннархини камайтириш ва мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг нарх бўйича рақобатбардошлигини ошириш** борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида экспорт дастурининг прогноз кўрсаткичлари 107,4 фоизга бажарилди, мамлакатимиз маҳсулотлари учун 30 дан ортиқ янги бозор ўзлаштирилди.

**Мамлакатимиз товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларига ички талабни ноинфляциявий рағбатлантириш** бўйича чора-тадбирлар доирасида 287 та корхона базасида 861 лойиҳа бўйича маҳаллийлаштирилаётган тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ҳажмлари 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағни, импорт ўрнини босиш самарадорлиги эса 708 миллион долларни ташкил этди, бу ўтган йилги кўрсаткичдан 1,8 баравар кўпдир. Жорий йилнинг ўзида Маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларнинг янги 95 турини ўзлаштириш имконини берди.

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш** мақсадида жорий йилнинг биринчи ярмида тижорат банклари томонидан умумий қиймати 381 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бу истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 13,1 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 7,9 ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 17,3 фоиз ошириш имконини берди.

**Таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификация қилиш** бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳисобот даврида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (117,4 фоиз), ёқилғи (115 фоиз), ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз (114,5 фоиз), кимё ва нефть-кимё тармоқлари (113,2 фоиз), қурилиш материаллари саноатида (111,8 фоиз) саноат маҳсулотлари ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари қайд этилди.

## IV. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқларни ободонлаштириш дастурларини амалга ошириш

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кўрилаётган фаол чоралар **халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича** ишларнинг белгиланган жадвалга нисбатан 104,2 фоизга амалга оширилишини таъминлади. Йўл ҳаракати серқатнов бўлган, ер кўтармасини 4 полосали ҳаракатланиш учун кенгайтириш бўйича илгарилаб борувчи йўл ишларини бажариш кўзда тутилган автомобиль йўллари участкаларида бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 11 млрд. сўмдан ортиқ бўлди.

**Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича лойиҳалар амалга оширилиши** натижасида 6780 км. туманлараро ва хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоқлари тозаланди. Ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларини лизинг шартлари асосида замонавий мелиорация техникаси билан жиҳозлаш ишлари давом эттирилди. Қарийб 2 минг гектар майдонда **томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича** лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва ишлар бошлаб юборилди.

**"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури** доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида ободонлаштириш бошқармалари учун 126 та янги махсус транспорт воситаси харид қилинди, 2 минг км. электр узатиш тармоқлари таъмирланди.

Қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган коммунал хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярмида қишлоқ жойларида 839 километр сув тармоқлари ва 435 километр газ қувурлари ўтказилди.

Қишлоқ жойларидаги қурилишни молиявий тарафдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ихтисослаштирилган "Қишлоқ қурилиш банк" ташкил этилди. Ҳисобот даврида қишлоқ жойларида 2861,3 минг кв.м уй-жой фойдаланишга топширилди.

## V. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш

Иқтисодиётнинг аграр тармоғи самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чоралар доирасида, энг аввало, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий корхоналарни барпо этиш ишларини жадаллаштириш эвазига ҳисобот даврида мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишловчи минитехнологиялар билан жиҳозланган 66 та корхона ташкил этилди. Умумий майдони 341 гектарга тенг бўлган енгиллаштирилган конструкцияли, муқобил иссиқлик манбаларидан фойдаланувчи 648 та иссиқхона ташкил этилди. Мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка етиштириш учун аванс ажратиш, уларни харид қилиш, тайёрлаш, сақлаш ва улгуржи сотиш бўйича 13 та ҳудудий ихтисослаштирилган "Мевасабзавоттайёрловсавдо" компанияси ташкил этилди.

Экин майдонларини оптималлаштириш, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган чоралар натижасида мамлакатимиз фермерлари томонидан 4,4 млн. тонна ғалла етиштирилди, ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан сабзавот — 17,0 фоизга, картошка — 29,6 фоизга, полиз экинлари — 17,0 фоизга, мевалар — 26,0 фоизга ва узум етиштириш — 34,3 фоизга ортди.

Қорамоллар сони 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан 6,5 фоиз ошди. Гўшт — 6,7 фоиз, сут — 6,6 фоиз, тухум етиштириш — 15,3 фоизга ортди.

## VI. Кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш

Кичик бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида шу йилнинг биринчи ярми давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 67,9 фоиз ошди ва 936,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Натижада жорий йил бошидан буён кичик корхоналарнинг умумий сони (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда) 5,1 фоизга ортди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 118,3 фоизни ташкил қилди ва бу тармоқ бўйича ўртача кўрсаткичдан юқоридир.

Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 40,9 фоизгача (2008 йилнинг I ярмида 40,2 фоиз), саноатда — 16,2 фоизгача (12,4 фоиз), бандликда — 73,5 фоизгача (72,7 фоиз), экспортда — 13,4 фоизгача (11,2 фоиз) ўсди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини амалга оширишга жорий йилнинг биринчи ярмида "Микрокредитбанк" ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Бандликка кўмаклашиш жамғармасининг 8,7 млрд. сўмликдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилди.

Натижада ҳисобот даврида 1 мингтадан зиёд чакана савдо корхонаси, 240 та умумий овқатланиш корхоналари, 1,8 мингга яқин маиший хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилди. Кўрсатилган хизматлар ҳажми умуман иқтисодиёт бўйича 18,5 фоизга ошди, бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи эса ўтган йилнинг биринчи ярмидаги 44,9 фоиз ўрнига 46,2 фоизни ташкил этди. Қишлоқ жойларида хизматлар улуши барча турлари бўйича ўтган йилнинг биринчи ярмидаги 22,4 фоиздан 23,9 фоизга ошди.

## VII. Бандлик ўсишини таъминлаш ва аҳоли турмуш сифатини юксалтириш

Ҳисобот даврида 534,6 мингта иш ўрни, жумладан, қишлоқ жойларида 327,5 мингта (61,3 фоиз) иш ўрни яратилди. Иш ўринларининг салмоқли қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида (208,9 минг) яратилган. Хўжалик бирлашмаларини **касаначиликни** кенгайтириш бўйича чораларни амалга оширишга фаол жалб қилиш ҳисобидан корхоналар билан меҳнат шартномалари асосида 51,7 мингта касаначилик иш ўрни яратилди.

Меҳнат бозорида фаол сиёсат юритилиши аҳоли бандлигининг 2,7 фоизга ўсишига ёрдам берди ва ўтган йилдагига нисбатан иш билан банд бўлганлар сони 288,6 мингдан зиёд кўпайди.

Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва инфляция даражасининг пастлиги жорий йилнинг январь-май ойларида аҳоли реал пул даромадларининг 25,9 фоизга ўсишини таъминлади. Январь-июнь ойларида ўртача ойлик иш ҳақи 40,1 фоизга ўсди.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида рецессия ва ЯИМ ўсиш суръати пасайиши давом этаётган бир пайтда, энг аввало, кейинги йилларда қабул қилинган ва амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича кенг кўламли дастур самарасида мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши юқори суръатларининг сақланиши таъминланмоқда. Бу дастур, авваломбор, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга, унинг таннархини пасайтиришга ва шу орқали мамлакатимизда тайёрланаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада кучайтиришга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ўз вақтида қабул қилинган иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор фаолиятини таъминлашга ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастури Халқаро валюта жамғармаси томонидан минтақанинг барча мамлакатлари орасида инқирозга қарши курашиш бўйича энг самарали чоралар сифатида қайд этилгани бежиз эмас.

ХВЖ миссиясининг Ўзбекистонга 2008 йилнинг декабрида амалга оширган ташрифи якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Халқаро валюта жамғармасининг қўшма баёнотида қайд этилганидек, Ўзбекистон ўзининг мустаҳкам макроиқтисодий салоҳияти туфайли иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашга аниқ йўналтирилган иқтисодий сиёсатни амалга ошириш учун катта молиявий имкониятларга эга. Миссия расмий идоралар томонидан ички талабни рағбатлантириш мақсадида кенг қамровли иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши, хусусан, кенг кўламли солиқ-бюджет сиёсати ва пухта ўйланган пул-кредит сиёсати натижасида 2009 йилда иқтисодий ўсишнинг чегараланган секинлашиши шароитида савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдоси ва бюджет профицити сақлаб қолинишига, иқтисодий ривожланиш истиқболлари ижобий бўлишига ишонч билдирди.

Шу йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикасига ташрифи чоғида Халқаро валюта жамғармасининг бошқарувчи директори Доминик Стросс-Кан, жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётганига қарамай, Ўзбекистон раҳбарининг оқилона сиёсати натижасида мамлакатда иқтисодий барқарорлик сақлаб қолинганини, бу даврда иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун салмоқли захиралар яратилганини алоҳида таъкидлади. Жаноб Доминик Стросс-Кан, Халқаро валюта жамғармаси прогнозига кўра, 2009 йилда Ўзбекистонда иқтисодий юксалиш суръатлари бугунги кунда дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлиб қолишини қайд этди.

Шу муносабат билан Инқирозга қарши чоралар дастури ижросини изчил давом эттириш, маҳаллий ресурслардан максимал даражада фойдаланган ҳолда, янги юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини янада оширишни таъминловчи ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатини келгусида ҳам барқарор сақлаш борасидаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси**

***Мамлакатимизда ёш авлоднинг пухта билим олиши, кенг дунёқараш ва юксак маънавий фазилатлар соҳиби бўлиб камолга етиши йўлида эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида таълим тизими ривожига қаратилаётган юксак эътибор самараси ўлароқ, ёшларимиз энг замонавий шарт-шароитлар муҳайё қилинган ўқув масканларида сабоқ олиб, ўз истеъдодларини кенг намоён этишга қодир мутахассислар бўлиб вояга етмоқдалар.***

# ТАЛАБАЛИК ОРЗУСИ

**1 август куни мамлакатимизнинг олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди.**



**Б**угун илм-фан, ишлаб чиқариш, техника ва технологиялар соҳаси юксак тараққиётга юз тутаётган бир пайтда чуқур билимли, кенг дунёқарашга эга, интилувчан ва малакали мутахассислар тайёрлашни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Шу боис мамлакатимиздаги барча таълим муассасалари тизимида янгича ўқитиш услублари кенг жорий қилинган бўлиб, давр талабига мос янгидан-янги мутахассисликлар ташкил этилмоқда. Айниқса, олий ўқув юртларидаги бундай замонавий таълим йўналишлари илмга чанқоқ ёшларимизда катта қизиқиш уйғотаётир. Куни кеча талаба бўлиш орзусидаги минглаб ана шундай йигит-қизлар учун тест синовлари ўтказилди.

Жорий йилда мамлакатимиз олий ўқув юртларига 337 минг 115 нафар абитуриент ҳужжат топширди. Хусусан, олий таълимнинг бакалавриат йўналиши бўйича 57 минг 305 ўрин ажратилган бўлиб, абитуриентларнинг 19 минг 755 нафари давлат гранти, 37 минг 550 нафари эса шартнома асосида ўқишга қабул қилиниши режалаштирилган.

Юртимиздаги энг нуфузли таълим масканларидан бири — Ўзбекистон миллий университетига жорий йилда 10 минг 704 нафар йигит-қиз ҳужжат топширди. Ўқув даргоҳининг бакалавр таълим йўналишига 1755 нафар талаба қабул қилиниши ҳисобга олинса, ўртача танлов коэффициенти 6,4 ўринни ташкил этади.

— Бу йил университетнинг биология, тарих, хорижий филология, иқтисодиёт сингари йўналишларига энг кўп ҳужжат топширилди, — дейди ўқув юрти қабул комиссиясининг масъул котиби Абдураҳим Абдушукуров. — Тест синовларининг адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

**«Абитуриент — 2009»**

— Қизим Дилноза хорижий филология факультетининг инглиз тили йўналишига ҳужжат топширди, — дейди жиззахлик Феруза Қобилова. — Тест синовларига пухта тайёргарлик кўргани боис ўзига ишончи катта. Албатта, мен ҳам фарзандимнинг билимига ишонаман. Бундан уч йил муқаддам Жиззах давлат педагогика институти қошидаги академик лицейда маҳоратли педагоглар раҳбарлигида чуқур билимга эга бўлди. Мустақил равишда бадиий асарларни ўзбек тилига таржима қилиб, уларни вилоят нашрларида чоп эттирди. Ўз мақсади сари қатъият билан интилаётган фарзандимга омад кулиб боқишидан умидворман.

Дарҳақиқат, бугунги ёшларнинг журъати, дадиллиги, ўз куч ва салоҳиятига ишончи мустаҳкам эканлигига ҳавас қилса арзийди. Юртнинг эртанги тақдири ана шундай аниқ мақсадли, интилувчан авлод келажагига дахлдор эканлигидан қувонасан, киши. Ана шундай зукко ёшлардан бири Азиз Ҳамдамовдир. У Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг механика ва машинасозлик йўналишида таълим олишни мақсад қилган.

— Ниятим амалга ошиб, ўқишга қабул қилинсам, даврга мос мутахассис бўлишга астойдил ҳаракат қиламан, — дейди у. — Насиб этса, университетнинг магистратура босқичида ҳам ўқимоқчиман. Юртимизда биз, ёшларнинг ҳар жиҳатдан мукаммал билим олиб, касб-ҳунар эгаллашимиз учун барча имкониятлар етарли экан, бундай ғамхўрликларга муносиб жавоб қайтаришимиз, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига қўлимиздан келганича ҳисса қўшишимиз керак. Президентимиз ҳамиша бугунги ёшлар эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи, буюк аждодларнинг муносиб вориси эканлигини айтиб, бизга юксак ишонч билдирадилар. Бу ишончни оқлаш учун эса яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланишимиз, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмасликка интилишимиз зарур, деб ўйлайман.

Жорий йилда Азиз каби эзгу ниятли ёшларнинг 10 минг 476 нафари мазкур университетга ҳужжат топширди. Шундан ҳарбий имтиёзга эга бўлган абитуриентлар саккиз юз нафарни ташкил этади. Талабаликка 2 минг 475 киши қабул қилиниши кўзда тутилган. Университетнинг электр технологиялари, нефть ва газ, механика ва машинасозлик, менежмент каби йўналишларида ўқиш учун уларнинг ҳар бирига беш юздан зиёд талабгор ҳужжат топширган.

Шунингдек, ушбу йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети мамлакатимиз олий ўқув юртлари орасида энг кўп ҳужжат қабул қилинган даргоҳ бўлди. Бу ерда ҳам тест синовлари муваффақиятли ўтди. Мазкур таълим муассасасида ўқишни ният қилган 16 минг 650 нафар йигит-қиз шу куни ўз билимини синовдан ўтказди. Ҳар галгидек, педагогика ва психология йўналишларига талабгорлар сони анча кўп эканлигини қайд этиш жоиз.

— Университетнинг миллий истиқлол ғояси ва ҳуқуқ асослари йўналиши бўйича таълим олмоқчиман, — дейди Насиба Ҳотамова. — Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб олсам, педагогик маҳорат сирларини пухта эгаллашни дилимга тугиб қўйдим.

**Ш**ундай покиза ниятлар ижобат бўлиши, шижоатли ёшларимиз кўнглидаги хоҳиш-истаклар амалга ошишига биз ҳам тилакдошмиз.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Жиззах вилоятида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, яқинда Зомин тумани марказий шифохонаси тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилиб, муҳташам кўринишга эга бўлди. Шифо масканига энг замонавий тиббий жиҳозлар келтирилганлиги боис эндиликда беморларни тўлиқ тиббий текширувдан ўтказиш, касалликка аниқ ташхис қўйиш ва даво чораларини қўллаш борасидаги имкониятлар янада кенгайди.***

# ҚИШЛОҚДАГИ ШИФО МАСКАНЛАРИ

**аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшиламоқда**

Ўтган йили мазкур шифохонанинг туғуруқхона бўлими қайта таъмирланиб, зарур тиббий анжомлар билан жиҳозланган эди. Бу ерда репродуктив саломатликни асраш ҳамда гўдаклар соғлиғи муҳофазаси борасида кўплаб қулайликлар муҳайё қилинган.

**Ғамхўрлик**



Шу ўринда вилоят миқёсида ўсмир ёшдаги болалар орасида учрайдиган камқонлик хасталиги ҳамда эндокринологик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилганлигини қайд этиш жоиз. Хусусан, 136 минг нафардан зиёд аҳолига хизмат кўрсатаётган Зомин тумани тиббиёт бирлашмасининг тарқоқ жойлашган ҳудудларда, олис қишлоқларда малакали тиббий хизматни ташкил этиш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш борасидаги амалий ишлари бунга мисол бўла олади. Қувонарлиси, кенг жамоатчилик орасида тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилган тадбирларни ўтказишда минг нафарга яқин тиббиёт ходимига маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари яқиндан ёрдам бермоқда. Биргина ўтган йили репродуктив саломатликни тарғиб қилиш бўйича ташкил этилган сайёр гуруҳлар чекка қишлоқ ва маҳаллаларда мутахассислар иштирокида 121 маротаба учрашув ва давра суҳбатлари ўтказди. Жорий йилда асосий эътибор исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш жараёнлари юзасидан тарғибот-тушунтириш ишларига қаратилаяпти. Йил бошидан буён бундай тадбирлар баҳона олис ҳудудларда яшовчи аҳоли вакиллари, хусусан, 23 минг нафар бола бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

— Тўнғич фарзандим эндигина 1,5 ёшга тўлди, — дейди Тараққиёт қишлоғилик Дилором Саидқулова. — Боламнинг саломатлигини мунтазам равишда шифокорлар назорат қилиб турганликлари, унинг соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган турли хасталикларга қарши эмлаш тадбирлари ўз вақтида ўтказилаётгани боис хотиржамман. Қолаверса, замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган шифо масканимизда малакали мутахассислар хасталикни ўз вақтида аниқлаш, даво муолажаларини қўллаш бўйича самарали фаолият кўрсатишаяпти. Улар болаларимизни даволаш билан бир қаторда, гўдакнинг жисмонан бақувват бўлиб униб-ўсишида муҳим саналган жиҳатлар хусусида қимматли маслаҳатлар бермоқдалар.

— Туманимиздаги мавжуд 23 та қишлоқ врачлик пунктига яқинда олти турдаги замонавий даволаш-диагностика ускуналари келтирилди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош врачи ўринбосари Баҳром Наврўзов. — Эндиликда қишлоқдаги шифо масканларининг ўзида беморга аниқ ташхис қўйиш имкони мавжуд. Шунингдек, ҳудуддаги мавжуд 10 та ҚВПнинг ҳар бири Япониянинг JICA фирмаси гранти ҳисобига 30 минг АҚШ доллари миқдоридаги тиббий жиҳоз ва замонавий аппаратура билан таъминланди. Жумладан, Кериз, Оқбулоқ, Бахт, Ровот ҚВПлари учун янги бинолар қурилган бўлса, кўплаб амбулаториялар тубдан қайта таъмирланди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**МАДАНИЯТ хабарлари**

## Сагарданинг мафтункор маржонлари

***АНДИЖОН.** Халқ амалиёти устаси Любовь Сагарда азалий қадриятларимизнинг бебаҳо дурдоналари бўлган тақинчоқлар тайёрлаш билан шуғулланади.*

Унинг нафис ва мафтункор маржонлари, билагузук ва зебигардонлари вилоят ҳамда республика миқёсида ўтказилган нуфузли кўргазмаларда юқори баҳоланган.

Яқинда уста Хитойда бўлиб ўтган халқаро тақинчоқлар кўргазмасида муваффақиятли иштирок этди. Унинг миллийлигимиз акс этган турли тақинчоқлари намойиш иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Шу боис Л. Сагарда мазкур кўргазманинг махсус ёрлиғи билан тақдирланди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Оналар куйлаганда»

***БУХОРО.** "Оналар куйлаганда" деб номланган лапар, айтишув ва ўлан ижрочилари кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.*

Тадбир иштирокчилари томонидан қадриятларимизнинг ажралмас қисми саналган алла, ёр-ёр ва ўланлар ижро қилинди.

Танлов якунига кўра, алла йўналишида, олотлик Гулчеҳра Рўзиқулова, ёр-ёр айтиш борасида Бухоро шаҳри ҳаваскорлари жамоаси, лапар ва айтишув йўналишида эса Жондор тумани ҳаваскорлар жамоаси ғолиб, деб топилди. Ғолиблар танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭЛГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ОЛИЙ САОДАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

1472 та транспорт воситаси мавжуд бўлса, шунинг 786 тасини "Мерседес-Бенц" русумли автобуслар ташкил этади. 558 таси эса Самарқандда ишлаб чиқарилган, ҳар томонлама қулай "Исузу" русумли мидибуслардир. Йил охиригача "Мерседес-Бенц" автобусларининг сони 970 тага етказилиши мўлжалланган. Амалга оширилаётган бундай кенг кўламли техник янгиланишлар тармоқ самарадорлигини ошириш баробарида, йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминламоқда.

Дарҳақиқат, бугун шаҳар йўлларида ҳаракатланаётган замонавий жамоат транспортлари техник имкониятлари жиҳатидан ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган "ЛАЗ", "ПАЗ" ва "ДЭУ" русумли автобуслардан бутунлай фарқ қилади. Эндиликда йўналишларга чиқарилган автобусларнинг техник носозликлар билан корхонага қайтиб киришлари натижасида қатнов мунтазамлигининг бузилиш ҳоллари кескин камайган. Энг асосийси, ихчам ва тез ҳаракатланадиган автобуслардан фойдаланилаётгани туфайли йўловчиларни манзилларига етказишда вақт сарфи камайди, корхоналарда техник тайёргарлик ва ҳаракат таркибларидан фойдаланиш коэффициентлари сезиларли даражада ўсди. Буларнинг бари корхона даромадларининг ошишига олиб келмоқда.

2009 йилнинг биринчи ярмида компания тизимидаги корхоналар томонидан 185,4 миллион нафар йўловчига хизмат кўрсатилиб, бу борадаги режа 101,8 фоизга бажарилди. Натижада 48,4 миллиард сўм даромад олинди. Унинг 28,4 миллиард сўмини, яъни 58,7 фоизини нақд пул тушумлари ташкил этгани эътиборга моликдир.



Компанияда меҳнат самарадорлиги фақат олинган даромадлар билангина ўлчанмайди. Бош мезон аҳоли эҳтиёжини тўла қондириш, йўловчи ташиш хизмати билан шаҳарнинг барча ҳудудларини қамраб олишдир. Шу маънода, жорий йилнинг 6 ойи давомида 25 та ҳаракат йўналиши чизмаси ўзгартирилди, 26 та автобус йўналишида жадваллар сони 46 тага кўпайтирилди, шунингдек, 3 та янги автобус йўналиши ишга туширилди.

Президентимизнинг 2008 йил 6 февралдаги "Тошкент шаҳрини йўловчи автобуслар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, айниқса, тармоқдаги ислоҳотларни бутунлай янги босқичга олиб чиқди, дейиш мумкин. Чунки мазкур ҳужжатга асосан, 2008 йилнинг ўзида 200 та "Mercedes-Benz Low Floor" русумли автобус сотиб олинди. Хориждан келтирилган ушбу замонавий, ҳар томонлама қулай бўлган автобуслар шаҳарнинг йўловчи гавжум йўналишларида аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келаётир. Бундан, айниқса, пойтахт аҳолиси мамнун.

Компаниямиз тизимидаги корхоналар жамоалари бугун бор эътиборини Мустақиллигимизнинг 18 йиллик шодиёнаси ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик қутлуғ тўйини муносиб қарши олишга қаратишган. Шу мақсадда байрамга тайёргарлик ишлари жадал олиб борилмоқда. Мавжуд автотранспорт воситалари техник жиҳатдан соз ҳолатга келтирилаяпти, йўналишлар бўйича чиқарилаётган ҳаракат таркиблари ва қатновлар изчиллиги таъминланаётир.

Биласиз, бу қўшалоқ байрам муносабати билан пойтахтга нафақат республикамизнинг, балки дунёнинг турли бурчакларидан меҳмонлар оқиб келади. Шундан келиб чиқиб, байрам арафаси ва байрам кунлари Тошкентнинг тарихий обидалари, сўлим гўшалари бўйлаб ўтган йўналишларда қўшимча қатновлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Тўйига тўёна билан бориш халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. Биз ҳам байрамларга муносиб тўёна ҳозирлаяпмиз. Гап шундаки, Президентимизнинг шу йил 6 майдаги "Тошкент шаҳрини йўловчи автобуслар билан қўшимча таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, яна қўшимча 200 та "Mercedes-Benz Low Floor" русумли автобус харид қилинади. Марказий Осиёда ягона бўлган, "Евро-4" стандартларига жавоб берадиган ушбу автобусларнинг 130 таси 20 июлда олиб келинди. Қолганлари эса шу йилнинг 1 ноябрига қадар тўлиқ келтирилади.

Бугун ғурур билан айта оламизки, Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида йўловчи ташиш хизмати тобора такомиллашиб бормоқда. Сифат ва хавфсизлик жиҳатидан бу тизим дунёнинг ҳеч бир давлатидагидан асло қолишмайди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги кенг нишонланадиган қўшалоқ тантаналарда аҳоли ва меҳмонларга янги, замонавий ва шинам автобусларда хизмат кўрсатиш эса жамоамиз аҳлига янгича куч-ғайрат бағишлайди. Зеро, элга хизмат қилиш олий саодатдир.

**Ҳабибулло ИСМАТУЛЛАЕВ,**
**«Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси директори ўринбосари.**

**Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт**

# ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАГИ ДАСТЛАБКИ МЕДАЛЛАР

***Таиланд пойтахти Бангкокда яккакураш спорт турлари бўйича I Осиё ўйинлари давом этмоқда.***

Ушбу нуфузли мусобақада қитъамизнинг 45 давлатидан келган 2500 нафар спортчи кикбоксинг, муайтай, каратэ-до, таэквондо (ВТФ), пенчак силат, жиу-житсу, дзюдо, кураш ва ушу каби тўққизта спорт тури бўйича ўзаро беллашмоқдалар.

Бангкокка биздан эллик нафарга яқин спортчи жўнаб кетган эди. Юртдошларимиз ҳозиргача 2 та кумуш ва 4 та бронза медалини қўлга киритиб, норасмий умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринда боришмоқда.

Терма жамоамиз ҳисобига биринчи медални тажрибали таэквондочимиз, Пекин Олимпиадаси иштирокчиси Евгения Каримова (+72 кг.) туҳфа қилди. У финалгача учрашувларни ғалаба билан якунлади. Ҳал қилувчи баҳсда таиландлик Рапаткорн Прасопсукка имкониятни бой бериб, кумуш медали билан тақдирланди. Иккинчи кумуш медалига дзюдочимиз Ирода Абдураҳмонова (63 кг.) сазовор бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дзюдо бўйича шу ой жаҳон чемпионати ўтказилиши муносабати билан вакилларимиз Осиё ўйинларида иккинчи таркиб спортчилари билан иштирок этишмоқда. Шунга қарамай, улар эришаётган натижалар салмоқли бўлмоқда. 3 август куни бир йўла уч нафар дзюдочимиз совриндорлар сафидан жой олгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасидан олинган хабарда айтилишича, Хуршид Набиев (-90 кг.), Ўткир Саломов (+ 100) ва Мария Шекерова (+78 кг.) бронза медаллари соҳиби бўлишди.

Кеча куннинг иккинчи ярмида таэквондо (ВТФ) бўйича баҳсларда қатнашаётган Рустамжон Пўлатов (58 кг.) терма жамоамиз захирасига тўртинчи бронза медалини келтирди.

Шунингдек, кеча юртдошларимиз муайтай, дзюдо ва кикбоксинг бўйича мусобақаларда қатнашдилар.



## Халқаро турнирдаги муваффақият

***Украинанинг Марипол шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўтказилган VI анъанавий халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди.***

Халқаро турнирда мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон, Арманистон, Беларусь, Греция, Иордания, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Молдова, Польша, Россия, Туркия ва Франциядан келган 140 нафарга яқин полвонлар ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

Турнирда вакилимиз Давид Солдадзе (96 кг.) кумуш, Акбар Қўзиев (55 кг.) ва Суҳбат Ҳожиев (120 кг.) бронза медалларини қўлга киритдилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

# Балли, Нодирбек!

***Швейцариянинг Мартинги шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказилган йирик халқаро турнирда навоийлик Нодирбек Комилов олтин медални қўлга киритди.***

Яқинда ўн тўққиз ёшга тўлган Нодирбек спортнинг ушбу тури бўйича илк сабоқларни ўзи туғилиб ўсган Кармана туманида олди. Кейинчалик пойтахтимиздаги республика Олимпия захиралари коллежида маҳоратини оширди.

— Нодирбек энг иқтидорли шогирдларимдан, — дейди устози Тўймурод Азизов. — У ўзининг қатъиятлилиги билан тенгдошларидан ажралиб туради. Шу боис ютуқлари тобора кўпайиб бормоқда. 2011 йили Тошкентда эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатида ҳам совриндорлар сафидан жой олишни мақсад қилиб қўйган. Чунки ушбу чемпионатда 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмалар берилади.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОБ-ҲАВО (4 август)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 19-24, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 20-22, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 35388 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ф. Бўтаев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 23.30 1 2 4 5